

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

357 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури тўғрисида» 2015 йил 18 февралдаги ПҚ–2302-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 18 февралдаги ПҚ–2302-сон қарори билан тасдиқланган «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурининг 60-банди ижросини таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар кенгашлари фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 9 июль,
185-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 9 июлдаги 185-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 30 сентябрдаги 267-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 9-сон, 68-модда) билан тасдиқланган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши тўғрисидаги низомнинг 6-бандида:

а) қуйидаги мазмундаги ўн биринчи хатбоши қўшилсин:

«худудда кексалар ва ногиронларнинг ижтимоий, шу жумладан пенсия ва тиббий таъминоти сифатини яхшилаш масалаларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳамда уларнинг роли ва таъсирини кенгайтиришга доир таклифлар ишлаб чиқади ва амалга оширилишига қўмаклашади»;

б) ўн биринчи — ўн олтинчи хатбошилар тегишли равишда ўн иккинчи — ўн еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашларининг намунавий низомларини ва таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2013 йил 13 декабрдаги 329-сон қарориди:

а) 3-илованинг 6-бандида:

қуйидаги мазмундаги ўн тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«ҳудудда кексалар ва ногиронларнинг ижтимоий, шу жумладан пенсия ва тиббий таъминоти сифатини яхшилаш масалаларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳамда уларнинг роли ва таъсирини кенгайтиришга кўмаклашади ва бу борада туманлар ва шаҳарлар кенгашларининг фаол иштирокини таъминлайди»;

ўн тўртинчи — ўн тўққизинчи хатбошилар ўн бешинчи — йигирманчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 4-илованинг 6-бандида:

қуйидаги мазмундаги ўн тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«ҳудудда кексалар ва ногиронларнинг ижтимоий, шу жумладан пенсия ва тиббий таъминоти сифатини яхшилаш масалаларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳамда уларнинг роли ва таъсирини кенгайтиришга кўмаклашади»;

ўн тўртинчи — ўн тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда ўн бешинчи — йигирманчи хатбошилар деб ҳисоблансин.